

Сийрат 175-дарс. Ҳар намоздан сўнг «муъаввизатайни»ни ўқиш



20:00 / 04.03.2022 5634

683. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қиёмат кунига ўз кўзи билан очиқ-ойдин назар солмоқчи бўлса, «Изаш-шамсу куввирот», «Изас-самааун фаторот» ва «Изас-самааун шаққот»ларни қироат қилсин»,** дедилар».

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

684. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сенга бу кеча уларга ўхшаши менга сира нозил бўлмаган оятларни айтиб берайми? «Қул**

аъузу бироббил фалақи» ва «Қул аъузу бироббиннааси», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Бошқа ривоятда шундай келган: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг туяларини сафарда етаклаб борардим. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам менга: **«Эй Уқба, энг яхши икки сурани сенга ўргатиб қўяйми?»** дедилар ва **«Қул аъузу бироббил фалақи»** ва **«Қул аъузу бироббин-нааси»**ни ўргатдилар». Шунда у зот бу иккиси билан унча масрур бўлмаганимни кўрдилар. Бомдод намозига тушганларида одамларга иккисини қироат қилиб, бомдодни ўқиб бердилар. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам намоздан фориғ бўлганларида менга қайрилиб қарадилар ва: **«Эй Уқба! Нима дейсан?»** дедилар».

Абу Довуд, Насоий, Ибн Хузайма, Ҳоким ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда шундай дейилган: «Бир ғазотда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг уловларини етаклаб борардим. У зот менга: «Ҳой Уқба, айт», дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. «Ҳой Уқба, айт», дедилар. Англамай, яна қулоқ солдим. У зот учинчи марта айтдилар. Шунда мен: «Нимани айтай?» дедим. **«Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни»,** дедилар. Сўнг сурани қироат қилиб тугатдилар. Кейин **«Қул аъузу бироббил фалақи»**ни қироат қилдилар. Мен ҳам у зот билан бирга қироат қилдим. У зот тугатдилар. Сўнгра **«Қул аъузу бироббин-нааси»**ни қироат қилдилар. Мен ҳам у зот билан қироат қилдим. У зот тугатдилар. Кейин: **«Ҳеч ким иккисичалик нарса билан паноҳ тиламаган»,** дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

685. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам менга ҳар намознинг кетидан «муъаввизатайни»ни ўқишимга амр қилдилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Муъаввизатайни» – «Фалақ» ва «Нас» суралари.

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам» китобидан